

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ БАНКИНГНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Жулибой угли Ойбек

СамИСИ “Банк иши” кафедраси катта уқитувчиси

oybek.marketing@gmail.com

Убайдуллаева Луиза Аброр кизи

СамИСИ талабаси

АННОТАЦИЯ

Мақолада миллий иқтисодиётда рақамли банкинг моҳияти, уни қўллаш, ҳозирги вазият таҳлили ва ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Тижорат банкларида рақамли банкингни ривожлантиришнинг хусусиятлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, рақамли банкинг, рақамли банк, банк маҳсулоти, дастурий таъминот.

ABSTRACT

In this article, the nature of digital banking in the national economy, its application, analysis of the current situation and proposals and recommendations for its development have been developed. The features of the development of digital banking in commercial banks are have been reviewed.

Keywords: commercial banks, digital banking, digital banks, banking products, software.

КИРИШ

Иқтисодийни модернизациялашда молиявий хизматларни ривожлантириш таркибида банк хизмат кўрсатиш тизимини замонавийлаштириш ва қулайлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда барча жабҳалар сингари банк тизимида ахборот технологиялар чуқур кириб бормоқда. Иқтисодий юксалиш учун банк тизимида замонавий рақамли банкингни ривожлантириш долзарб масалалардан биридир.

Президенимиз банк тизимида фикр юритиб, “Афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда” [1] деб таъкидладилар. Бунинг ичида биз ривожлантириш лозим бўлган масала сифатида рақамли банкингни эътироф этишимиз лозим.

Рақамли банкинг тизимини ривожлантириш фойдаланувчиларнинг банк тизимида ишончини оширишга ва қулай хизмат турларини таклиф этишга олиб келиши муҳим масалалардан биридир.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Ватанимиз иқтисодчи-олимлари ва амалиётчилари “рақамли банкинг” тушунчасини “рақамли банк” тушунчаси билан бирга ҳам ифодаладилар.

Тадқиқотлар кўрсатишича, инновацион банк технологияларидан фойдаланган ҳолда (касса хизматини кўрсатмасдан) банк хизматларини масофавий кўрсатувчи банк ёки унинг таркибий бўлинмаси рақамли банк эканлиги [2] эътироф этилади. Бу бутун бир банк ёки банк бўлинмасига берилган таъриф саналади.

Рақамли банкдан фарқли равишда рақамли банкинг айнан банк хизматларидан фойдаланувчиларга банк маҳсулотларини онлайн кўрсатиш дастурий таъминотлар йиғиндиси сифатидан қараш лозим. Айнан рақамли банкинг миждозлар (фойдаланувчилар)га қулай банк хизматларини таъминлаши лозим.

А.А. Гонтарь бу борада шундай фикр юритади: “рақамли банкинг – бу рақамли, ахборот ва технология стратегиялар соҳасида истеъмолчилари ва тижорат мижозлари учун молиявий хизматлар соҳасида инновацияларни ўз ичига олган банк ва унинг мижозлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги кўринишидир” [3].

Жон Гиновски рақамли банкингни қуйидагича таърифлайди: “мижозларга хизмат кўрсатишни кенгайтириш ва банк фаолияти самарадорлигини ошириш учун ички ва ташқи корпоратив ва шахсий ходимлар муносабатларидаги мос ўзгаришлар билан молиявий институтлар фаолиятида янги ва ривожланаётган технологиялар интеграциясидир” [4].

Бизнингча, рақамли банкинг – мавжуд онлайн банк хизматларини кўрсатиш тизимида банк ходимлари учун самарали фаолият ва фойдаланувчиларга қулай интерфейс яратишни таъминловчи дастурий таъминотлар йиғиндисидир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Мамлакатимизда рақамли банкинг хизматлари кўрсатишни ривожлантириш бўйича замонавий ва илғор банк хизматлари турларини амалиётга жорий этиш ташаббусларини илгари суриш, янги ахборот технологияларини жорий этиш, банк хизматлари оммабоплигини ошириш, уни республика банк хизматлари бозорида қўллаш борасида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Бу бўйича бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган [5] [6].

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида банк тизими, шу жумладан тижорат банклари фаолиятини янада ривожлантириш ва банк хизмат турларини такомиллаштиришга қаратилган чора тадбирларни амалга ошириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган [7].

Маълумки, банк тизимини ривожлантириш рақамли банк хизматлари кўламини кенгайтириш, такомиллаштириш орқали мижозлар сонини ошириш билан боғлиқ самарали механизм кетма-кетлигини таъминловчи омил ҳисобланади.

Рақамли банклар томонидан банк хизматларини масофавий кўрсатиш банкнинг ички тартиб қоидаларига асосан қонун ҳужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.


Мамлакатимизда рақамли банкингни амалга оширишнинг асосий мақсади мижозларга сифатли, замонавий ва қулай банк хизматларини кўрсатишдан иборат. Банк тизимида “ИАБС” автоматлаштирилган тизимида янги модуллар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Кредит ажратиш жараёнини жадаллаштириш, андозавий электрон кредит шартномаларидан фойдаланиш, кредит ажратишда одам омилини камайтиришга эришиш учун бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Аммо, афсуски, ҳозиргача онлайн кредитларни расмийлаштириш бўйича ишлар тугалланганича йўқ. Кредит олувчи банкга келмасдан ҳисобрақамга йўналтириш ёки олиш имкони ҳукукий асослари ва механизмлари такомиллаштирилмаган. Бу механизмни йўлга қўйиш бир қатор овогарчиликлар олдини олган бўлар эди.

Масофадан хизмат кўрсатиш сифати янада оширилиб, юридик шахсларга мўлжалланган тизим такомиллаштирилган ҳолда амалиётда тадбиқ этилмоқда. Бугунги кунда ундан фойдаланувчилар сони 5437 нафардан ошган. “SMS-банкнинг” масофавий хизматдан фойдаланувчилар сони ҳам мунтазам ошиб, айти пайтда қарийб 179 000 нафарни ташкил этмоқда⁷. Қуйидаги диаграммада Ўзбекистон Республикасида банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланувчилар ҳақида маълумотни келтириб ўтдик.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари

1-диаграмма

Ўзбекистон Республикасида банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланувчилар сони



Манбаа: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари

Диаграммадан кўринишича, Ўзбекистон Республикасида 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчи мижозлар жами сони 9 371 447 та бўлиб, шундан юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сони 498 936 тани, жисмоний шахслар сони 8 872 511 тани ташкил этди.

Лекин хўжалик юритувчи субъектлар масофавий банк хизматлари турини танлашда тижорат банкига бориши ва нисбатан қимматлиги кўзга ташланади. Айниқса, интернет банкинг хизмати тизими қиммат эканлиги ҳам эътироф этилмоқда[8]. Хўжалик субъектига банк томонидан хизмат кўрсатиш бошланганидан сўнг хизмат кўрсатиш шартномасида масофавий хизматларни кўрсатишни киритилишини таъминлаши лозим. Бундан сўнг бошқа хизматлар (кўп учрайдиган асосий ва махсус ҳисобрақамларни очиш)ни кўрсатишни онлайн ва 24 соат тамойили асосида кўрсатиши мақсадга мувофиқ. Хўжалик субъекти раҳбарияти хоҳлаган вақтда, яъни ўзига қулай вақтда хоҳлаган банк хизмати турини танлаш ва фойдаланиш бўйича аризасини қолдириш имкони бўлиши лозим.

Айни кезларда ўлкамизда банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш, айниқса, тўловларни мобил телефонлар орқали амалга ошириш тизимларини жадал тараққий эттиришга эътибор ҳар қачонгидан кучайтирилмоқда. Улар орқали асосан мобил операторлар, Интернет провайдерлар хизматлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, табиий газ, электр энергияси ва бошқа коммунал хизматлар ҳақи тўланмоқда.

Аксарият банкларда жисмоний шахсларда хизматлар сифатини ошириш мақсадида дастурий комплекс мобил иловаси анча такомиллаштирилди. Мазкур тизим орқали коммунал, бюджет, интернет, мобил алоқа, кредит ажратиш ва сўндириш сингари кўплаб амалиётларни бажариш мумкин [10]. Шунингдек, жисмоний шахслар учун интернет тармоғи орқали амалиётлар ўтказиш дастури ишга туширилган.

Бугунги кунда банк тизиминида хизмат кўрсатиш тизимини янги босқичга кўтариш амонавий банк хизматлари кўрсатиш йўлида мавжуд тўсиқларни бартараф этиш ва қулай шароит яратишдан, чунончи, чакана хизматларга ихтисослашган “рақамли” банклар ва банк бўлинмаларини очишдан, инновацион банк технологияларидан фаол фойдаланиш эвазига масофавий банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштиришга йўналтирилган. Тижорат банкларида рақамли банкингни бир тизимга келтириш чора-тадбирлар кўрилатган бир пайтда малакали кадрларнинг етишмаслиги кўзга ташланмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, айрим тижорат банклари депозитлар жалб қилиш, кредитлар бериш, миждозларга ҳисоб-китоб ва касса хизмати кўрсатиш бўйича аънавий хизмат кўрсатиш тизими бўйича ишлаб, рақамли банкинг хизматларини ривожлантиришга эътибор қаратмаяптилар.

Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида ҳам масофавий банк хизматларини йўлга қўйиш учун замонавий технологияларни пухта ўзлаштириш, хизматларнинг янги турлари ва

маҳсулотларини аниқлаш, хорижий илғор тажрибаларни ўрганиб, мамлакатимиз банк хизматлари оммабоплигини оширишда фойдаланиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш, аҳолининг молиявий саводхонлигини юксалтириш давримизнинг долзарб масалалари сирасига киришига алоҳида аҳамият қаратилган [9]. Шу боис бу қарор банк хизматлари ривожига янги босқични бошлаб берди.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида банк секторида рақамли банкингни иқтисодий хавфсизлик соҳасида комплекс чора-тадбирларни таъминламасдан амалга ошириб бўлмайди. Бу билан иқтисодий хавфсизлик даражасини ошириш мақсадида молия бозорини ташкил этиш зарурияти биринчи ўринга чиқади. Тижорат банклари рақамли банкингни интерфейсининг қулайлиги фойдаланувчиларга катта аҳамият касб этади. Фойдаланувчи ўзига керакли амалларни тезроқ топа олиши банк тизимига ишончни уйғотади ва банк хизматларини бошқа фойдаланувчиларга тавсия этиш кузатилади.

ХУЛОСА

Ўзбекистон тижорат банкларида рақамли банкинг хизматларини кўрсатиш ривожланган давлатлар банкларидаги даражада тараққий этмаган ва меъерий-ҳуқуқий жиҳатдан кучли таъминланмаган. Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомда ҳам бугунги банк хизматлари имкониятларининг ҳуқуқий жиҳатлари акс эттирилмаган.

Рақамли банкинг тижорат банкининг ажралмас қисми бўлишини таъминлаш лозим. Бу маълумотларнинг хавфсизлигини ва ортиқча овозагарчиликларнинг олдини олган бўлар эди.

Банк тизими ривожланишининг орқада қолаётганлигини замонавий ахборот технологиялар орқали тўлдириш ва кадрларни банк тизими бўйича четда малака оширишларини таъминлаш лозим.

Ҳозиргача онлайн кредитларни расмийлаштириш бўйича ишлар тугалланганича йўқ. Кредит олувчи банкга келмасдан ҳисобрақамга

йўналтириш ёки олиш имкони ҳуқуқий асослари ва механизмлари такомиллаштирилмаган. Бу механизмни йўлга қўйиш бир қатор овоғарчиликлар олдини олган бўлар эди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь. 3-сон
2. <https://uz24.uz/economics/gzbekistonda-rauamli-bank-faoliyati-yglga-ugyiladi>
3. Гонтарь А. А. Цифровой банкинг как одна из составляющих экономической безопасности кредитной организации //Вестник Волжского университета им. ВН Татищева. – 2017. – Т. 1. – №. 4.
4. John Ginovsky What really is «digital banking» // Banking exchange. 2015. URL: <http://www.bankingexchange.com/blogs-3/making-sense-of-it-all/item/5187-what-really-is-digital-banking> (дата обращения: 11.02.2020)
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. 2018 йил 23 март
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 12 сентябрдаги қарори ва бошқ.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947 сонли Фармони” 2017 йил, 7 февраль
8. Сулаймонов С. Ўзбекистонда банк хизматларининг жозибадорлигини оширишда масофавий банк хизматларининг долзарб муаммолари. //Бизнес-эксперт. 2019. №4(136)-сон.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори